

СОВЕТ КОСМОНАВТИКАСИНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 115 (4321).

10

И Ю Н Ъ

ПАИШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



Инда космонавтар бўлган «Салют» илмий станцияси 9 июнда Москва вақти билан соат 15 га қадар ер атрофини 38 марта айланиб чиқди. Борт системаларининг ҳолати яхши.

Учинчи бошқариш марказида мутахассислар «Салют» илмий станцияси экипажи эур истак билан, янги ва дадил иш-лаётганликларини таъкидлашди. Космонавтар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков ва В. И. Пацаев ўртоқлар ўзларини жуда яхши ҳис этмоқдалар. «Салют» илмий станциясининг парвози давом этмоқда.

Суратда: орбитал станция экипажи Г. Добровольский, В. Пацаев ва В. Волков.

Б. Коновалов фотоси. («Известия»).

СОВЕТ ФАНИНИНГ БЕКИЭС ҒАЛАБАСИ

Биз ҳозир «Салют» илмий орбитал станцияси билан «Союз-11» кемасини осмон па-лақда тутатгани. «Союз-11» кема экипажи аъзоларини «Са-лют» станциясига ўтгани ва у-ерда илмий иш олиб бораётган-ни тўғрисидаги хабарни эшитиб-роят қойиб қолдик. Худди эр-тадангига ўхшаган бу ҳақиқат совет фанининг нақадар тарақ-қий этганини кўрсатади. Биз, Ватанимиз олимлари, кос-монавтарлари амалга ошираёт-ган, бутун дунёга намойиш қи-лаётган бу ажойиб иш билан ҳақиқ равишда фахрланамиз. Бу ажойиб ғалаба партиямизни фан тараққиётига, космосни эгаллашга нийҳатда катта эътибор бераётганининг ёрқин далилидир.

Биз колхозчилар олимлари-мизга, космонавтарга бу со-ҳада катта ғалаба тилаймиз. Космонавтарни ерга, омон-эсон қўйишларини чин қўйиб-дан тилаймиз.

Ю. ТУЛАГАНОВ,
Бўқа районидаги «Октя-брь 40 йиллиги» колхоз-нинг раиси.

ШАРТНОМА РАТИФИКА-ЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

СССР Министрлар Совети ядро қурилиш ва оммавий қир-қин қурилиш бошқа турлари-ни деңизлар ва океанлар тўби-да ҳамда унинг қарғида жой-лаштиришни таъқиқлаш тўғри-сидаги шартномани ратифика-ция қилиш учун СССР Олий Совети Президиумига тақдим этди.

СССР Олий Совети Президи-уми мазкур шартномани рати-фикация қилиш тўғрисида СССР Министрлар Советининг тақдирномасини қараб чиқди ва уни ўз фикрини билдириш учун СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Сове-тининг таъқиб қилиш комиссия-ларига топширди.

(ТАСС).

СОВЕТ-ПОЛЬША ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзаро келишувга мувофиқ Со-вет-Польша ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида му-зокара олиб бориш учун Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси П. Ярошевич 8 июнда Москвага келди.

8 июнда Кремлда СССР Ми-нистрлар Советининг раиси А. Н. Косигин билан Польша Халқ Рес-публикаси Министрлар Советининг раиси П. Ярошевич ўртасида му-зокара олиб бориш бўлиб ўтди.

Самимий, ўртоқларча вазиятда ўтган музокара вақтида СССР билан ПХР ўртасида кейинги йил-лардаги иқтисодий ҳамкорлик ажууларни ва тақриблари анализ

қилинди ва 1971—1975 йилларда Совет-Польша иқтисодий ҳамкор-лигини янада ривожлантиришнинг кенгайтиришлари белгиланди.

СССР ва ПХР ҳукуматларининг бошқилари ҳар йилда мамлакат ўртасида иқтисодий ва илмий-тех-никавий ҳамкорликни доимо тўх-товсиз кенгайтириш ва чуқурлаш-тириш Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ма-млакатларида мувофиқ бўлади ва коммунизм ҳамда социализм кура-тидан совет ва поляк халқларининг моддий эҳтиёжларини янада тўла-роқ таъминлашга имкоқ беради, деб таъкидлаб ўтдилар.

(ТАСС).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

В. П. Чкалов номидаги Тош-кент авиация заводи коллекти-ви ўзининг меҳнат традиция-ри билан машхур. Бу завод ходимларидан кўп киши беш йиллик планини бажаришда эришган муваффақиятлари учун ҳукумат мукофотлари билан тақдирландилар. Ўзбеки-стон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчо-нов шу мукофотларни мусоба-қа изорларига таънавали ва-зифида топширди.

Ихорона директори В. Н. Спирей Ленин ордени, «Эроқ ва болта» олтин медали. Соци-алистик Меҳнат Қаҳрамони ун-вони берилганлиги тўғрисидаги эрлиқни олди. Самолётсозлар

нинг катта гуруписига Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Хурмат белгиси» ор-дени, «Шавақтди меҳнат учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медаллари топширилди.

Н. М. Матчонов мукофот-ларни топшириб, заводнинг ходимларига ва бутун коллек-тивга тўққизинчи беш йиллик топширилганлиги муддатидан илгари бажариш учун, КПСС XXIV съезди қарорларини му-ваффақиятли амалга ошириш учун олиб бораётган кураш-да янги муваффақиятлар тила-ди.

(ЎзТАГ).

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

Сайловчиларнинг А. Н. Косигин билан учрашуви

Москвадаги Фрунзе сайлов ок-руги меҳнаткашларининг вакиллари ўзларининг РСФСР Олий Со-вет депутатлигига номзоди, КПСС Марказий Комитети Сибсий Бюро-сининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Алексей Нико-лаевич Косигин билан учрашмоқ учун 9 июнда Большой театрга келишди.

Ийгилишни Фрунзе район пар-тия комитетининг секретари Т. Б. Шекин-Кротова очди. Биринчи сўз ишончли вакил — «Знамя труда» машинасозлик за-водининг тоқари, КПСС XXIV съездининг делегати А. А. Белов-га берилди. У депутатликка ном-зоднинг тарихини ҳоли билан мажлис аҳлини таништириш ва со-вет кишилари А. Н. Косигинни яхши билдилар, гоат ҳурмат қи-ладилар, деб таъкидлади. Москва-ликлар ўртоқ А. Н. Косигинни СССР Олий Совети ва Россия Фе-дерацияси Олий Советига депу-тат қилиб сайлаб, унга бир неча бор ишонч билдирдилар. Ўртоқ А. Н. Косигин ўзига кўрсатилган ишончни шараф билан оқлаб кел-моқда.

Нотиз сўзини давом эттириб, бундай деди: партиянинг XXIV съезди яқинда тамом бўлди. Бу съездининг қарорлари халқнинг энг асосий, туб манфаатларини ифода этди, барча совет киши-ларига янада катта куч ва меҳнат гайратини бахш этди, янада ях-широқ ишлашга, бутун куч-гайра-тимизни коммунизм қурилиши-нинг улғу ишига сарфлашга чо-райлади. Биз партиянинг ишчилар синфига қаратилган даъватини ҳа-ракатимиз учун дастур деб би-лаемиз. Биз, мамлакатимизнинг меҳнаткашлари XXIV съездининг резолюциясидаги шу сўзларни қизгин ва чин қўйишдан қабул қиламиз: «Бизнинг планларимиз реал планлардир. Бу планларнинг бажарилиши ҳар биримизнинг меҳнатимизга, сабот-матонатия-миз ва маҳоратимизга, ушшоқли-гимиз ва интизомли бўлишимизга боғлиқдир».

А. А. Белов машинасозлар кол-лективни номидан гапириб, пой-тахтдаги Фрунзе сайлов округи-нинг ҳамма сайловчиларини ко-мунистлар билан партиясизлар бўлишининг муносиб номзоди, Со-вет ҳукуматининг бошлиғи А. Н.

Косигин учун яқинда бўлиб овоз беришга чакрилди. Шундан кейин учрашувда ишончли вакиллар — техника фанлари доктори А. Д. Александров ва Москвадаги иккинчи соат заводининг йиғувчиси, Социалис-тик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Похмельнова, СССР халқ артисти Б. А. Смирнов, Бутуниттифон давлат трактор илмий-тадқиқот институтининг инженери, ВЛКСМ Марказий Комитетининг аъзоси Ю. Г. Степанов сўзга чиқдилар. Улар совет халқининг КПСС ва унинг ленинчи Марказий Комите-ти раҳбарлигида эришган жуда катта муваффақиятлари тўғриси-да, партиянинг янги режаларини амалга оширишга қатъий бел бо-лаганликлари ҳақида ифтихор билан гапирдилар. Ноткилар таъ-кидлаб ўтдилар, барча совет кишилари сайловни катта, нури-ли байрамдек қутиб олмақдалар, ленинча сибасат учун, тинчлик учун, коммунизм учун яқинлик билан овоз берадилар. Сайлов кун-ни партиа билан халқнинг, бутун совет жамиятининг қудратли бирлигини яна бир марта намо-йиш қилади.

Мажлис аҳли самимий қутиб олган А. Н. Косигин нутқ сўзла-ди. Совет Иттифонининг халқла-ри, деди у, бир неча кундан кей-ин ўз республикалари Олий Со-ветларига ва маҳаллий советлар-га депутатларини сайлайдилар. Хо-зирги вақтда мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари ўз зиммалари-даги катта масъулиятни ҳис эт-ди, партия XXIV съезди белги-лаб берган кенг бунёдкорлик про-граммасини амалга оширмоқда-лар. Съездининг қарорлари барча мамлакатлар халқларининг эъти-борини ўзига жалб этди, бутун тараққийпарвар инсоният съезд қарорларини маъқуллади. Съезд томонидан қўйилган вазифалар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сайлов кампанияси-даги сиёсий платформасини белги-лаб беради.

Меҳнаткашлар сайлов олди йиғилишларида илгари суратган тақлифлар бутун халқимиз съезд қарорларини муваффақиятли амалга ошириш ҳақида гамҳўрлик қилаётганлигини ифода этди.

совет кишилари Улғу Ленин партияси теваригага маҳкам жипслашганликларини исбот қи-ладилар. Ўртоқ А. Н. Косигин ўзини Москва шаҳридаги Фрунзе сай-лов округида РСФСР Олий Со-вети депутатлигига номзод қилиб қўйишдан бу йилгида сўзга чиқиб, ўз номзодини қўллаб-қув-ватлаган барча ўртоқларга та-шаққур изҳор қилди. Мен, дей-ди ўртоқ А. Н. Косигин, бу ерда айтилган сўзларнинг ҳамма-си халқ партиямизга чексиз ишонч билан қараётганлигини ифода этди, деб ҳисоблайман. Коммунист сифатида партиямиз-нинг халқ бахт-саодатини кўзда тутган планларини муваффақият-ли амалга ошириш учун бутун куч-гайратимизни сарф қиламан, деб сизларни ишонтиришимга имкоқат бергайсиз.

Маълумки, халқнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш — Коммунистик пар-тия иқтисодий сибасатининг олий мақсадидир. Партиямиз илмийлик билан ўтказиб келаётган ана шу ленинча йўл тўққизинчи беш йиллик юзасидан съезд таъқиқла-ди директиваларда ўзининг ёр-қин ифодасини топди.

Беш йиллик планининг халқ тур-муши моддий ва маданий даража-сини анча оширишдан иборат энг асосий вазифасини ҳал этмоқ учун индустриянинг асосий тар-моқларини жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини янада юксал-тириш, кўзда тутилади, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуrollантиришга, илмий тадқи-қотларга, халқ маорифини кенг ривожлантиришга кўп маблаг аж-ратилади. Совет давлати халқ хў-жалигини юксалтириш ва совет кишиларининг фаровонлигини ўс-тириш юзасидан иқтисодий жи-ҳатдан асослаб берилган бундай-буюк программани белгилаш учун илгари ҳеч қачон бундай имко-қиятларга эга бўлмаган эди.

Беш йилликнинг социал про-граммаси бери-бири билан боғлан-ган бир қанча лавизларнинг илмий ҳал этилиши кўзда тулади. Бу—ав-вало, илм ва хизматчиларнинг иш ҳақини ҳамда колхозчиларнинг

даромадини ошириш, иқтисодий истеъмол фондларини қўпайтириш йўли билан, шунингдек халқ исте-ъмол қиладиган товарлар ишлаб чи-қаришни тез ривожлантириш, аҳо-лига маиший хизматни ҳар жиҳат-дан яхшилаш йўли билан аҳоли-нинг реал даромадларини ошириш-дан иборат. Совет ҳокимиятининг шундан аввалги ҳамма йилларда-гига қараганда соғлиқни сақлаш, маориф, уй-жой қурилишига, меҳ-нат ва турмуш шароитини яхши-лашга, меҳнаткашларнинг маданий техника савиясини оширишга, халқ хўжалиғи кадрларини профессия-мал такомиллаштиришга кўпроқ маблаг сарф қилинади. Пенсия таъминоти ва кўп болали оналарга ердан учун ажратилган маблаглар анча қўпайтирилди. Давлат таъминоти бўлиқчиларининг пу-лини муддатидан илгари тўлаш ва социал характердаги бошқа муҳим тадбирлар кўзда тутилган.

Мамлакатнинг иқтисодий қудра-тини тўғривсиз ўстириш—халқ-нинг турмуш даражасини юксал-тиришнинг бирдан-бир негиздир. Партия XXIV съездининг тўққи-зинчи беш йиллик юзасидан ди-рективаларни халқ хўжалиғидаги барча тармоқларнинг пропорцияли тараққиётининг юксак суръатлари-ни сақлаб қолишни кўзда тулади.

Ҳаммамиз Лениннинг иқтисодий меҳнат унумдорлигини бутун чо-ралар билан ошириш зарур эканли-ги тўғрисида берган кўрсатмасини яхши билемиз. Бу—гоят муҳим вазифадир. Партия XXIV съезди-нинг қарорларида юксак меҳнат унумдорлигига қандай йўللار бил-дан эришувимиз мумкин эканлиги аниқ кўрсатиб берилган.

Сўнгра А. Н. Косигин саноатни техника билан қайта қуrollанти-риш масалаларига тўғралаб ўтади ва мисол тариқасида саноатнинг кўмир, нефть, газ тармоқлари, электростанциялар, шунингдек ма-шинасозлигини ривожлантириш со-ҳасидаги вазифаларни баён қи-лади. Саноатдаги ана шу тармоқ-ларнинг ривожланиши бутун халқ хў-жалиғида ишлаб чиқаришни ўсти-риш суръатларини ҳам, ишлаб чи-қариш самарадорлигини ҳам кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Бизда механизациялаш ва авто-матлаштириш иқтисодий жиҳат-

дангина эмас, балки социал жиҳат-дан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Янги техника ва янги технология-ни жорий қилиш юз мингларча меҳнаткашларни оғир ва малака-сиз ишлардан халос қилди, улар-нинг янги ихтисосларини эгаллаш-тириш учун имконият яратиб бера-ди. Социализм шароитида техника тараққиёти жамиятнинг корхона-нинг, ҳар бир ходимнинг маъна-вотига жавоб беради. Шу сабабли хўжалик кадрларининг таъқиқла-ш, эътибори ишлаб чиқариш самара-дорлигининг энг муҳим кўрсаткичи бўлган меҳнат унумдорлигини бу-тун чоралар билан оширишга қар-атилиши лозим.

Ҳозирги кунда саноатда техника тараққиётининг даражасига ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқ-дори ва хилларидагина қараб эмас, балки унинг сифати, таъқиқ-риниши, конструкцияларнинг енг-иллигига, материалларнинг кам-роқ ишлатилишига, ҳам ашё мате-риалларнинг тежаллишига қараб ҳам баҳо берадилар. Бу талаблар-ни саноатдаги барча тармоқлар-нинг ишига баҳо беришда энг муҳ-им талабларга айлантириш, кор-хоналар коллективлари социалис-тик мусобақасининг энг зарур шарти қилиб қўйиш керак.

Халқ хўжалиғимизнинг барча тармоқларида техника тараққиё-тини маддаллаштириш учун барча имкониятларимиз мавжуд. Совет космонавтикасининг муваффақият-лари ҳам бунинг яққол кўрсатиб ту-рибди. Учувчи бошқаришдан би-ринчи орбитал «Салют» илмий станциясининг вузукда келтирил-ганлиги космик фазонинг таъқиқ-етиш ва ўзлаштириш соҳасидаги жуда катта воқеадир. Бу станция-нинг ажойиб космонавтаримиз Добровольский, Волков ва Паца-евдан иборат экипажи тутатириш босқичининг жуда яхши урда-дан чиқди ва ҳозирги вақтда космосда илмий-техника экспериментлари ва тадқиқотларининг катта, масъу-лиятли комплексини амалга ошир-моқда.

Иқтисодий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги капитал қурили-шининг иқтисодий кўрсаткичлари-га кўп жиҳатдан боғлиқдир. Корхона-лар қуриш учун қилинаётган сарф-лар ҳали ҳақдан таъқари кўп эканлигини айтиб ўтиш керак.

(Давоми 2-бетда)

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҲАР БОШ СИГРДАН СЎТ СОҒИБ ОЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 1 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Килограмм ҳисобда)

Биринчи стун — районлар, ик-кинчи стун — 1971 йилга оли-ган мажбурият, учинчи стун — беш ойда соғиб олинган.

Юқори Чирчиқ	2400	1034
Калинин	2500	988
Янгийўл	2600	956
Оржоникидзе	2400	923
Эрта Чирчиқ	2000	906
Оққўрғон	2300	812
Пискент	2000	767
Бекобод	1900	744
Бўстонлиқ	1700	695
Бўқа	1700	664
Область бўйича	20900	876



«ГҒУЛИСТОН» колхозни пахта егитиришда Пискент районидан илгир хўжаликлардан бири ҳисобланади. Хўжалик деҳқонлари бу йил 1000 гектар майдондан 35 центнердан «оқ олтин» егитириш учун барча тадбирларни қўриб меҳнат қилишляпти. Шу қу-гача ғўзадар икки марта қульти вақидан чиқарилиб, озислантирилди. Сугорил ишлари қизгин олиб бориюмоқда. Суратда: (ун-дан) колхоз раиси И. Ҳайдаров, агроном К. Ҳайдаров ва бригада бошлиғи П. Бадалов — ўртоқлар. (Чапда) ғўзага ишлов берилмоқда.



А. Тўраев фотоси.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИДА

УЛАН-БАТОР, 9 июнь. (ТАСС) махсус мухбири). Монголия Халқ Революцион партиясининг XVI съезди уч кундан буён ўз ишнин давом эттирмоқда. Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади ва Монголия Халқ Республикаси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжаллан-ган беш йиллик плани юзасидан съезд директивалари муҳоама қилинмоқда.

Чехослования Коммунистик пар-тияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехия Соци-алистик Республикаси ҳукумати-нинг раиси И. Корчак, Корея Меҳ-

нат партияси Марказий Комитети Сибсий комитетининг аъзоси Со Чер, Германия Бирлашган Соци-алистик партияси Марказий Коми-тети Сибсий Бюросининг аъзоли-га кандидат Г. Эвальд, Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети иқрофия комитети аъзо-лигига кандидат, Марказий Коми-тет секретари М. Герё, Куба Компартияси делегациясининг бош-лиғи, Куба Компартияси Марка-зий Комитетининг аъзоси Х. Гар-сиа Оливера съездни табриклаб нутқ сўзладилар.

Монголия халқ революцион пар-тиясининг XVI съезди ўз ишнин давом этдирмоқда.

таъзиялаш ва механизациялаш иж-
менерлари институтининг таъжир-
ла ҳунаргада ҳам иккита дала-
шайлои нурилади.

Сибий ахборотчилар, сибий
ташкилотчилар дала шийпонлари-
да тез-тез бўлиб, КПСС XXV
съезди қарорларининг моҳиятин
кенг тушутирмоқдалар.

Район партия комитети дала
шийпонларида аҳолини янада ах-
тиллаш масаласи билан бундай бў-
лч ҳам шуғулланади. Барча дала
шийпонларини деҳқоннинг ҳақи-
қий дам оладиган жойига, омма-
вий-сиёсий ишлар марказига ай-
ланиши учун зарур тадбирларни

ПОЛИГРАФИЯМИЗ БАЙРОҚДОР

ШОНЛИ ЭЛЛИК ЙИЛ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг наشريёти ва басмахона коллективини ўз қорхонасининг ярим асрлик юбилейини нишонламоқда. Эллик йил мобайнида қишқина басмахона мамлакатимизнинг энг янрик полиграфия марказларидан бирига айланди. Илгир техника, прогрессив технология билан жиҳозланди.

Басмахона тарихи иккита ҳарбий басмахона Туркистон Республикаси Бош Сийёси бошқармасининг ягона басмахонасига биришган вақтдан бошланади. 1924 йилда басмахона «Туркестанская правда» (ҳозир «Правда Востока») газета редакциясининг қорхонасига айланди. «Печатник» журналининг матбуотларига қараганда унда 1926 йили 500 киши ишлаган. Бу ўша вақтда Тошкентда ва Ўрта Осиёдаги энг катта басмахона бўлган. Айни вақтда бу ерда «Қизил Ўзбекистон» ва «Оқ жол» газеталари нашр этилган.

1936 йили басмахона полиграфия комбинатининг бир қисмига айланди. 1941 йили эса яна мустақил қорхона бўлиб қолди. Улуғ Ватан урушидан сўнг басмахона наشريёт билан бириштирилди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридан «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сўра» газеталарининг биришган наشريёт деб атади бошланди. Ҳозир басмахона Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг наشريёти составидадир.

Республикада революцион кураш, граждандар уруши, ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма босқичларида басмахонамиз полиграфиячилари Ўзбекистон Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитетининг содиқ ёрдамчилари бўлдилар.

Коммунистик партиянинг донийр ғамхўрлиги тўғрисида республикада партия ва совет матбуотининг ягона базаси бўлган келтирилди. Унда маҳаллий кадрларни пичилик билан тайёрлаш ишлари олиб борилди. Басмахона кучли машиналар билан жиҳозлана бошлади, натижада янги-янги газета-журнал, брошюра ва китобларнинг нашр этиш имконияти яратилди. Бу ҳол Совет Ўзбекистонда марксизм-ленинизм ғояларини, партия ва ҳўкумат қарорларини пропанда қилишга имкон берди.

Басмахона коллективини урушгача бўлган беш йилликлар давридаги ҳамма муҳим қўрилларда актив иштирок этиб, «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг сайёр редакциялари иш олиб берган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети наشريётининг бош инженери ўринбосари С. Л. МОГИЛЕВСКИЙ билан суҳбат

жойда басмахона филиаллари ташкил қилинди. Улуғ Ватан уруши йилларида фронт газеталарини чиқариш учун қорхонамиз базасида кўпгина басмахоналар вужудга келтирилди. 1951 йилда басмахонамиз тўхтаб қайта қуриш бошланди. Бунда ишлаб чиқариш бир минут ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Ўнча катта бўлмаган икки қаватли бино устига 2 та қўшмача қават қўрилди, сўнгга 6 та ишлаб чиқариш корпуслари бўйиб этилди.

Ҳозирги вақтда басмахона умумий тиражи 4,5 миллион нускадан ортиқ бўлган 34 та газетани, шу жумладан 10 та марказий газетани ва умумий тиражи 3 миллион 300 минг нуска бўлган 16 та журнални босиб чиқармоқда.

Ўрта Осиёда биринчи бўлиб газета саҳифаларини алоҳида қаватлари орқали қабул қилиш пункти ташкил этилди.

Басмахонада тезкор ГАУ газета агрегати ўрнатилди, ҳарф териш ускуналари янгиланди. Натижада газеталарини тайёрлаш мuddатлари кескин қисқартирилди. Уларни босиш сифати яхшиланди. Биргина ўтган беш йил мобайнида басмахонада нашр этилганга ва босилганга газеталар тиражи икки ярим баравар ошди. Тошкент шаҳри ва Ўрта Осиё республикаларининг кўпгина олабастлари «Правда», «Известия» газеталарини москвалар билан бир вақтда олмайдилар.

Қорхонамизда социалистик мусобақани амалда қилиш ва полиграфия соҳасидаги янгиликларни жорий этишда коммунистик меҳнат қарбдорлари Н. Суздальцев, Н. Зокидов, А. Дегларева, Ю. Алексеев, В. Дряхлов, Н. Жураев, Х. Хазиева, Б. Ким, Н. Крутов, Н. Баҳдиров ва бошқа ўртоқлар актив иштирок этмоқдалар.

Экономикани мустаҳкамлаш ишига ҳўхш билишчилари Н. Богданов, Т. Музаффаров, С. Иўлдошев, С. Леонтьев, Я. Шурп, Н. Кушнёр ва бошқалар ишнинг кўзини билиб мусобақатда бўлмоқдалар. Бу цехларда кейинги вақтларда кўпгина юқори малакали мутахассислар тайёрланди, эски жиҳозлар янги, унутилари билан алмаштирилди. Бу ҳўх цехлар-

нинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини ҳамда чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини бирмунча яхшилашга имкон берди.

Басмахонада катта ўв-жой, маъий қурилишлар ҳам олиб борилмоқда. Кейинги йиллар ичида наشريёт ва басмахона ходимлари мингдан ортиқ квартира олдилар. Янгиқурилган қишлоғида пионер лагерини ишга тушди, бошқалар комбинати, янги профилакторий, қиёран қишлоғида пионерлар лагерини қуришмоқда. Ўтган йили иккита ўв-жой реконструкция қилиниб, ёш ишчиларимиз 150 ўринлик обод ётоқхоналар олдилар.

Сўнгги йиллар мобайнида наشريёт бўлимларининг қатор раҳбарлари владислав еттишб чиқди. Ўлар ишлаб чиқаришнинг иллий асосда, илгир фан ва техника ютуқлари асосида ри-вожлантирилмоқдалар. Бундай раҳбарлар сифига бос меканик М. Нуридинов ва унинг ўринбосарлари Ю. Екубов ва Э. Саидхмедов, ош энергетик Ю. Забиров, М. Аюпов, Н. Андреев, Д. Виклянский, В. Неженко, Н. Золотов ва бошқаларни кўйиш мумкин.

Владимир Ильич Ленин туғилган куниги 100 йиллиги шарафига қорхонамиз Ленин юбилейи Фахрий ёрлиги билан мукофотланди. 200 га яқин ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи «Шарафли меҳнати учун» медали билан таъдирланди.

Коллективнинг муваффақиятлари полиграфия саноати қорхоналари Бутунитифоқ социалистик мусобақасида мукофотли ўринлар билан таъдирланди. Басмахонага «Юксак ишлаб чиқариш маданияти қорхонаси» номи берилди.

Йили беш йилликда қорхонамизни тўбдан реконструкция қилиш тўғрисида, газета-журнал қорхонаси сифатида ихтисослаштириш охирига етказилди, технология жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таъдирлар комплексини бажарилади, хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароити яхшиланди.


Ўзбекистон КП Марказий Комитети наشريёт коллективини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди белгалаб берган вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш учун барча куч-гайратини ишга солади.

Ўзбекистон КП
Марказий
Комитети
наشريётининг
басмахонаси
50 ёшда

Мана бу бинога назар солинг-а, нақадар салобатли ва кўркам. Бу Ўзбекистон КП Марказий Комитети наشريёт биносининг бош корпуси. Ҳозирча у макетда. Унинг оригинал лойиҳасини архитектор Р. Блэзе ва инженер Е. Патлис бошчилигидаги ижодкорлар тўзиб чиқишган.

Бу бино В. И. Ленин марказий музейи филиалининг рўнасида, ҳозирги наشريёт ҳўлисида қад кўтаради. Тракторлар, экскаваторлар тинимсиз қазини ишларини олиб борди. Қурувчилар учун иш майдони тайёрлаб қўйилди. 16 қаватли улкан иморатнинг пойдеворида наشريётнинг шонли ярим асрлик юбилейи арафасида асос солинимоқда.

Мазкур матбуот қасри республикамиз журналистларини бир жойга тўплайдиган марказга айланади. Ўзбекистон Теле-



ришларини назарда тутиб ҳар қаватда махсус дам олиш хоналари бўйиб этилди. Кондицион ҳаво системаси, кучли лифтлар, люминацион лампалар — буларнинг ҳаммаси газета-журнал ходимларининг унумли ишлаши учун қўлайликларни муҳайё қилади.

Матбуот қасрининг ишга туширилиши газета-журнал редакцияларининг басмахона билан алоқасини янада яхшилайдиган, газеталарнинг босиб чиқарилиш жараёнини маълум даражада тезлаштирилади.

М. АСАДОВА,
наشريёт ходими.

МАТБУОТ ҚАСРИ

граф Агентлиги ҳам шу ерга қўйиб келади. Бино тепасида қўриналган телетайп антеннаси энг замонавий техника ютуқлари асосида қурилди.

В. И. Ленин хўбонага ҳўс бўлиб тушадиган бу бинонинг ички қўрилиши ҳам ишхўнотда қириб ўтди. Унинг биринчи қаватида гардероб, газета-журнал ҳўкўнаси, сарторхўна, почта бўлими, қаҳвахона ва пропуски бюроси жойлашади.

Маъмурий ҳўжалик бўлимлари иккинчи қаватда бўлади. Бинонинг энг тепасида — ўн олтинчи қаватда мажаслар зали, катта кутубхона ҳамда буфет жойлашади. Пойтахтда чиқарилаётган ҳамма газета-журнал редакциялари учун бинонинг учинчи қаватидан 15-қаватгача бўлган хоналар ажратиб берилди. Журналистлар ишлаши учун барча қўлайликлар яратилди. Уларнинг ҳўрдиқ чиқа-

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

▲ Бундан йигирма йил муқаддам наشريёт босиб чиқариётган газеталарнинг умумий тиражи ярим миллионга ҳам етмасди.

▲ Басмахонада ҳозир бир кунда 4,5 миллионга яқин газета ва жами 3,8 миллион нуска журнал чиқарилаётган.

▲ Тўққизинчи беш йиллик охирига бориб бу ерда бир кунда 6 миллион газета, неча юз минглаб брошюра, бадий отиртка ва бошқа полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган бўлади.

▲ Полиграфия саноатининг гўят мураккаб соҳаси ҳисобланган нафис муқова ва қўрангли иловалар босиб чиқариладиган ботиқ босма комплексини қўриб ишга туширилди. Бу цех наشريётнинг иллий маҳсулот ҳажминини яна 550—600 миллион босма лист ҳажмида оширади.

▲ Наشريёт еттига марказий газетани Москвадан фототелеграф орқали қабул қилиб олмақда. Фототелеграф цехи мамлакатдаги 12 та шаҳардаги мавжуддир.

СУРАТДА: БОСМАХОНАНИНГ БИР ГРУППА ИЛГОР ИШЧИЛАРИ.

КАСБИМ — ФАХРИМ

Версткачи. — газета ва журналларни саҳифалаб чиқарувчи касб эгаси. Мен ана шу касб эгаси бўлаётган билан фахрланаман. Бундан 40 йил муқаддам ҳўнар мактабин таомолаб Ўзбекистон наشريётга йўлланма олган эдим. Ўшанда бу ерда кўчгинагина цех бор эди. Цехда ҳўнамси бўлиб 6 та лйотипист ва уларнинг тўрт шоғирди ишларди. Улар бор-йўли 4—5 номдаги газетани чиқаришарди. Асосий ишлар қўлда бажариладди.

Эндликда эса ўша кичик цех ўрнида улкан полиграфия комбинати ишлаб турибди. Бу ердаги кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнини янги замонавий техника ёрдамида бажаришмоқда. Буларни қўриб қўронасан киши.

Ахир ҳозирги даражага еришиш учун озмунча машаққатли йўлни босиб ўтмадик. Менинг ўзимга келганда шўни айтишнинг керакин, кўп йиллар давомида марҳўм Мирлатиш Миртемиров билан биргаликда «Совет Ўзбекистони»да сменчи бўлиб ишладим. Биз бир-биримизга ўргатдик. Бир-биримиздан ўргатдик. Шу давр ичида аялганга шоғирлар ҳам етиштирдик. Ориф Иброҳимов, Юра Глебов каби версткачилар «Совет Ўзбекис-

тони» ва «Правда Востока» газеталарини қириб қилиб чиқаришга муносаб ҳўсқа қўшимқдалар.

Исбат Мансуров ҳам ўз касбининг моҳир устаси. «Ў Тошкент ҳақиқати» газетасини саҳифалайдди. Меҳнатим хўрмат-обрў келтирди. Ҳозир пенсиядаман. Лекин шўнга қарамасдан меҳнат қилмоқдаман. «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшони» газеталарини саҳифалайман. Тамара Федорова, Валя Коротченко, Тани Назарова каби шоғирларим билан фахрланаман. Ҳозирги йилларимизга ҳавасим келади. Чўни техника уларнинг огирини енгил қилмоқда. Касбига меҳр қўйган киши кам бўлмайди. Халқ ўрта-сида обрў-этибор топади албатта. Бунинг учун эса дастлабки даврлардаги қийинчиликларга бардош бериб уни енгил, ўз малакасини ошириш устида тинмай ишлаш керак.

Наشريётимиз бутун 50 ёшга тузди. Шу муносабат билан мен ҳамкасбларимни кутлайман. Уларга сўхат-саломатлик, бахт-омад тилайман.

Ф. ЯЎЛДОШЕВ,
Басмахонанинг рекса ишчиси.

ҚУТЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريётининг басмахонаси 50 йил давомида шонли ва шарафли йўлни босиб ўтди. У ўзининг ярим асрлик тарихида республикада наشريётчилик ишларини ривожлантириш, газета, журнал ва китоблар нашр этишни такомиллаштириш, кўлаб малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда жуда катта ишлар қилди.

Басмахона коллективининг олижаноб ишлари республика меҳнатнашларини коммунистик руҳда тарбиялашга муносиб ҳўсқа бўлиб қўйилмоқда. Наشريёт басмахонаси — йил сайин кенгайиб мўлкамал, замонавий техника воситалари билан мўтасил жиҳозланмоқда. У чиқариётган басма маҳсулотларининг ҳажми тобора ошмоқда ва сифати яхшиланмоқда.

«Ўзбекистон» наشريёт коллективини номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريёт басмахонасининг катта ва меҳнатсевар коллективини 50 йиллик муборак тўйи билан қизгин қутлайман, доимо сўхат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун қўрашда улкан муваффақиятларга эришувини тилайман.

Ф. ЮНУСОВ,
«Ўзбекистон» наشريётининг директори.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Ўзбекистон ССР «Фан» наشريёти ва басмахонаси коллективини Ўзбекистон КП Марказий Комитети наشريёт ишчилари ва инженер-техник ходимларини шонли 50 йиллик юбилейи билан қизгин қутлайди. Полиграфиячилар ишчилар синфининг илгир, анча прогрессив қисми ҳисобланади.

Сизнинг наشريётингиз полиграфия кадрларининг чинакам ўчоғи ҳисобланади. Республикамизнинг кўп полиграфиячиларини сизнинг басмахонангиз даргоҳида етишиб чиқди. Басмахонамиз чиқариётган миллионлаб нускадаги газета-журнал ва китоблар халқнинг маънавий озғўи ҳисобланади, жонажон Коммунистик партиямизнинг коммунист кишинини идеология жидатдан тарбиялашда қўдратли қўрол бўлиб хизмат қилади. Бу басмахона Совет Шарқидagi техника прогрессининг намунаси ҳамдир. Ярим асрлик юбилейингиз муносабати билан, азиз ҳамкасблар, сизларга энг яхши истакларимизни баён қиламиз.

Ю. ЮНУСОВ,
Ўзбекистон ССР «Фан» наشريёти ва басмахонасининг директори.



РЕПОРТАЖ

„АҚЛ“ЛИ АППАРАТ

Радио учун масофанинг аҳамияти йўқ. Бу — равшан. Аммо қишларимизнинг ҳаётини эҳтиёжга айланиб қолган газета ҳам ҳозир узоқ-яқинини билмайди. «Правда», «Известия», «Комсомольская правда» ва бошқа марказий газеталар Москва басмахонасига нашр этилади. Бир вақтингиз ўнда эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريётининг ротацион аппаратлари ҳам газета чиқара бошлайди.

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Бир вақтлар газеталар матрицаси самолёт орқали Тошкентга келтирилган бўлса, эндиликда бу юмшун Ленинград заводига ишлаб чиқилган «Газета-2» аппарати осонгина амалга оширилади.

...Биз фото телеграф цехидамиз. Электроника инженерини Михаил Вабков билан цехга ўрнатилган замонавий аппаратлар ипти. Москвада тайёрланган газета саҳифалари қай йў-

синда қабул қилиб олинини, олинган негативларга берилдиган имёвий ишлов, қўйилган матрица олишгача бўлган процесслар билан таништилади.

— Москвадан матрицаларини Тошкентга келтиргунча, — дейди инженер, — 7—8 соат вақт талаб этилади. Об-ҳаво ёмон кунлари эса самолётлар биринчи соатга нечиби келарди. Яқин-яқинларгача ҳам пойтахтимиз ва республикамизнинг бошқа шаҳар меҳнаткашлари марказий газеталар билан кеч танишардилар. Фото телеграф наشريётини ишга тушуши натижа-сида бунга чек қўйилди. Ҳозир ҳар 40 минутда бир саҳифа қўроғишга кўчирилди. Натижада вақтдан ютилиб, газеталар сифати чиқмоқда.

Қабул қилувчи ва узатувчи аппаратнинг қўлайлиги шунданки, унинг учун узоқ ва яқин масофанинг фарқи йўқ, махсус мосламалар юқори аниқликда саҳифалардаги барча ҳарф ва

суратларини негативда акс эттира олади. Узатувчи аппарат бир йўла олганга қабул қилувчи аппаратнинг мунтазам ишлашини таъминлай олади. Ҳозир бундай аппаратлар Совет Иттифоқининг 10 дан ортиқ йирик шаҳарларида ишлаб турибди.


Негативга кимёвий ишлов бериш лабораториясига киримиз. Лаборатория такомиллашган аппаратлар билан жиҳозланган. Шу пайт қўрачадан келган йилгит деразага тутилган қўра дарпардаларни туширади. Хўнага қўроғулик чўқди. Инженер девордаги қандайдир кнопкани босган эди. қизил чирролар ёнди.

— Нинадек тешикдан ёруғлик тушса пленка ишдан чиқади, — тушунтиради кимсота билан металл ишловчи мутахассис Ғайбулла Пулатов. — Негатив қўроғишдан тайёрланган пластинка шундай жипслагтириладики, ҳатто оралиқдаги ҳаво ҳам мосламалар орқали

ЛИНОТИП ЦЕХИ. Замонавий ҳарф териш машиналари билан жиҳозланган цехда уззукун қайноқ меҳнат тинмайди. Яқин-яқинларгача маънафатли ҳисобланган ҳарф териш ишлари фақат қўлда бажарилад, бир саҳифа материални териш учун уч-тўрт соат вақт талаб этиларди. Эндликда эса бу юмшўх такомиллаштирилган лйотип машиналари орқали амалга оширилади.

Партиямиз XXIV съезди қарорларидан рухланган лйотипчилар ишни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этишган. Улар кўлик тошхирларини доимо 110—120 процентга етказиб бажармоқдалар. Жуда кўп моҳир ҳарф терувчилар мусобақада муттасил пешқадамлик қилиб, ўз касбдошларига ўрнак кўрсатишмоқда.

Сурагда: лйотипчилар иш устида.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.





Суратларда: Фрунзе районидagi 16-сайлов участкасининг агитаторларидан бир гуруҳасини кўриб турибди. Ю.Юрида, Халима Ходиятова ва Шахобат Бобоева, Настася М. Гуманова, Ш. Мирфайзиёва ўртоқлар. И. Гаузерзон фотолари.

МУНОСИБ НОМЗОД

Пойтахтимиздаги 2-пайфазал фабрикасида бригада бошлиғи Бела Васильевна Кряжева хўмат қилишди.

Бела Васильевна ўзининг меҳнат фаолиятини шу фабрика кучида бошлаган. У 1951 йилда ишга келганида 16 ёшда эди. Фабрикада меҳнат қилиш билан бир қаторда пайфазалчиларнинг профессионал-техника билим юртида таълим олди. Мана ўш йилдирки, у коммунист меҳнат бригадасига бошчилиқ қилиб келмоқда.

Тўғриликнинг комбинатининг моҳир тўқувчиларидан Казанцева ва Губиналар тўқинини беш йиллик тошпирларнинг уч ярим йилда амалга ошириш мақорурини олишганда Бела Васильевна ҳам ташаббускорлар мидан бориб, ўз зиммасига юксак социалистик мажбурийат олди.

Моҳир пайфазалчи саккизинчи беш йиллик пиланини уч йилда етти ойда шараф билан адо этди. Шу муддат ичида 3510 дона пайфазалга етадиган маҳсулот тейаб қолди. Эндликда у тўқинини беш йиллик тошпирларнинг уч ярим йилда бажаргани, демоқда.

Тадбиркор аёл ўзининг кўп

йиллик самарали меҳнати, изланувчанлиги орасида коллектив ўртасида ҳўмат ва эътибор қозонди. Унинг хизматлари ҳўкуматимиз томонидан муносиб тақдирлашиб келмоқда. Бела Васильевна «Шавкат» меҳнат учун» медали, «СССР енгил саноати аълочиси» значоги билан мукофотланган.

Пойфазал фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари Бела Васильевнага катта ишонч билдириб, қинда уни республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб

кўрсатишди. «Октябрь» масшавиди 75-мактаб клубида республика Олий Совети депутатлигига 21 октябрь сайлов округидан номзод Бела Васильевна Кряжева билан сайловчилар учрашуви бўлиб ўтди. Йигиринчи сўзга чиққан Шожалил Тошпулатов, Қосим Умархўжаев ва бошқалар масшавид оёбд этишга қаратилган қўллаб-қувватлаш билан чиққинди. Йигиринчи сўзга чиққан Бела Васильевна сайловчилар томонидан билдирилган нақзарларни бажаришга сўз берди.

Н. ЮСУПОВ.

САЙЛАЙМИЗ

(САЙЛОВЧИЛАР ҚўШИГИ)

Сайлов тўғғи фаровон юртга посбонларин сайлаймиз, Батанга, элга содиқ қиз-ўғлонларин сайлаймиз. Муборак бу айём кўнглини бўстон этсам арийиди, Сабаб халқим ичидан дўст-қадрдошларин сайлаймиз. Бўдсин олим, инженерни, ишчи-колхозчи ё раҳбар, Элим хўрматига молик, фидоконларин сайлаймиз. Дирим шодликка тўлди, ҳамма эркин берар овоз, Синалган, мадҳи тилда, катта достонларин сайлаймиз. Бу эрк бор жойда Дехқоний, меҳнат аҳли фаровондур, Адолат бонига одил, асл боғбонларин сайлаймиз. Тўхтамурод ДЕХҚОНИЙ.

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

га сазовор жойларини кўриб келишди.

ХАРИДОРЛАР ДИДИГА МОС

Пойтахтимизда 1-пайфазал фабрикаси коллективни янги йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида планди ташқари 50 минг жуфт пайфазал тайёрлашга муваффақ бўлди. Бу маҳсулотлар орасида янги моделдаги масшавид пайфазаллар ҳам анчагина. Хўзиргача аёлларнинг 51 минг жуфт сандалети чиқарилди. Яна 43 минг жуфт шундай пайфазал харидорларга тақдим этилди.

Хўзир чекларда ёғи масшавид учун мўлажалланган 30 хил моделда пайфазал ишлаб чиқарилмоқда. Апрель ойида бир қатор участкалар реконструкция қилингандан сўнг елимлаш йўли билан эркинлар ёғи оёқ инийини тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди. Бу пайфазаллар чекча намуна асосида тайёрланмоқда. Бундан ташқари суғий чармдан ишлаб чиқарилаётган эркинлар сандалетлари ҳам кўпчиликлари маъмуз бўлмоқда. Хўзиргача бу маҳсулотдан 100 минг жуфт тайёрланди.

Фабрика коллективни бир пайт-

нинг ўзида кузги пайфазаллар ишлаб чиқариш кўламини ҳам кенгайтирмоқда.

ФИЛИАЛЛАР БИРЛАШАДИ

Хўзир Тошкент тажриба-механика заводи икки территорияга бўлинган. Йирик корпусларнинг йўқлиги туфайли вақтинча ишчилар бўлиниб меҳнат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Яқин келажакда филиаллар ағона бир ишлаб чиқариш корпусига бириллашди.

«Узгипротэжпром» институтини лойиҳачилари Н. Бабуров, Ю. Белинский, Ю. Мирошников ўртоқлар чизган лойиҳага асосан академик Стародубцев кўчасида йирик ишлаб чиқариш корпуслари кўна буй чўзди. Лойиҳа бўйича бу ерда узунлиги 150 метр бўлган боғи корпуси бунёд этилди. Бу объект ёнида уч қатли маъмурий ва маъши хизмат кўрсатиш биноси қурилади. Корхона ховлисида яратилган хиброн гул ва ичқолларга бурканди.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари министрлиги комиссияси лойиҳани қабул қилди олди. Яқин келажакда Тошкент тажриба-механика заводининг кенг ва ёғи корпуслари қурила бошланади.

ортасида ҳам сигнал бериш вишқалари йўқ. Ленин комсомолни номли боғнинг кўлида чўмилиш зонасидаги тўсиқлар ноёб, унинг территорияси санитария талабларига жавоб бермайди. Тошкент денгизида эса тўсиқлар умуман йўқ, оёқлангирин белгилари қўйилмаган.

Бўнинг устига қайиқларини прокатта бериш станциясининг ходимлари қондан назарлисанд қилмай сувада моторли воситалардан нотўғғи фойдаланишга йўл қўймоқдалар. Кўнунча қайиқларга нормадан ортқича одам ўтиришга рухсат берилмоқда. Айрим қишлага эса маст ҳолда ўз айтаганларини қилишмоқчи бўлишади.

Бундай ҳолларга нисбатан кескин кураш олиб бормоқ зарур. Сувада бахтсиз ҳодисаларнинг рўй беришига йўл қўймайлик!

Қўтарин хизматини жиддий равишда қайта куриш, бу ишга эса бир қатор ташкилотлар ёрдам беришлари керак. Ҳамма гап шундаки, қўтарин станциялари фойдаланаётган ҳўзир техника воситаларининг қўнчилиги ёскириб қолган, чўмилганда бахтсиз ҳодиса рўй бермаслиги учун ёғи янги техника воситалари етказиб бериш ва таъминлаш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш вақти етди.

В. ГОНЧАРОВ,

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги қўтарин хизматининг бошлиғи.

ЧўМИЛГАНДА ЭҲТИЁТ БўЛИНГ

Тошкент денгизининг тўғғи жуда серфайи. Эндликда юз кўрсатган қўннинг заррин нурулари денгиз суварига акиб товланади. Мусаффо ҳаво кишига ҳўзур, ҳадоват бахш этади. Сойбонлар тағида хўшчақчақ дам олувчилар давра қўришган. Ҳар бир кишининг ўз дам олиш мўлакали бор: биров эрталабдан кечгача сувада чўмилиш, иссиқ кўмда товланиш, ёғида, яна биров қайиқларда сайр қилишни хўш кўради. Баъзилар эса, сўлим ирсеюқ, тиниқ сув ва соф ҳаводан воз кечиб, «китта-китта» қилиш пайида. Дунёни сув босса, мастинг тўпига чиқарилди! Афусеки, мақолда шундай, амалдаш! Май ойининг охирида Ленин комсомолни номли маданият ва истироҳат қўнндаги кўлда бир йигитча маст ҳолда чўмилгани учун бекордан-бекорга чўниб кетди.

Тошкент денгизида эса бошқача бир ҳодиса рўй берди. Икки йигитча кайф қилиб олиб, денгизда сайр қилиш мақсалида прокат пунктига бориб, қайиқ сўрашди. Уларнинг мақсалига пункт навбатчиси ҳам эътибор бермади. Шун ҳам айтиб ўтиш керакики, Тошкент денгизини қайиқларини прокатта бериш станциясида ичкилик-бозорга, ҳеч ким аҳамият бермади.

Шундай қилиб, йигитлар денгиз ўртасига қараб сузиб кета бошлашди. Бир пайт қайиқнинг ёнидан катер ўтиб қолди. Ҳосил бўлган кучли тўқини қайиқнинг ағдариб юборди. Икки йигитнинг бири арағи қўнлиб қолди, иккинчиси эса чўниб кетди. Қирғоқдан бориб 50 метр чамаси нарида қандай қилиб шу ҳодиса рўй берди? — деб сўрайд қўнчилик. Бу бахтсиз ҳодиса шунинг учун ҳам рўй бердики, йигитлар чўмилиш қондасига рўй қилмаганлар. Уларнинг кайфи баланд эди, буни кўра-билатурсиб ичтирларига қайиқ беришди. Бу кўнглисиз воқеада Тошкент денгизини пляжи маъмуриятининг ҳам айби йўқ эмас. Чўнқи, инструкторга кўра, катерлар келиб тўхтайдиган пляж зонасида қайиқларини прокатта бериш пунктининг очини рухсат йўқ. Юқоридagi ҳодисада, минг афусеки, инструкторига рўй қилинмаган.


Чўмилиш масшавиди эндликда бошланди, бирок шаҳарликлар дам оладиган ва чўмилган жойлардан ташвишли хабарлар келмоқда. Ленин комсомолни номли кўлда тўрт, «Ғалаба» боғида бир бахтсиз ҳодиса рўй берган.

Бу ҳодисаларни ўғғанишдан кейин шундай ҳўлосага келиндики, уларнинг содир бўлишига асосий сабаб: ичкилик, эҳтиётсизликдир.

Сувада чўмилиш учун ёғи оддий қўндага рўй қилиш керак. Махсус актралгирин, сувнинг тағи текширилиб, йлдишлар ва катта тошлардан тозаланган жойлардагина чўмилиш мумкин. Қайиқдан туриб сувага сакран ва чўмилиш мўлақо ярамайди. Чеғара белгиларидан нарига сузиб ўтиш ҳам киши ҳаёти учун нийонда хавфли, эганилик ин унутмаслик керак.

Шаҳримиз ва обласдаги ҳамма сув ҳавзаларида, қўтарин станциялари ишлаб турибди. Тажрибали сузувчилар ва сува шўнгувчилар чўкаётган кишиларга ҳамма ёрдам беришга тайёрдирлар. Бахтсиз ҳодиса рўй бериш мумкин бўлган барча эҳтиётликларга чек қўйиш зарур. Сув ҳавзаларига эга бўлган боғларнинг маъмурияти белгиланган қўндага рўй қилиб иш олиб боришлари керак. Дам олувчиларга доимий равишда ўларнинг сувада қандай тутишлари тўғғисида тушунтириб бориш лозим. Радио орқали қисқа суҳбатлар, оммавий кўрғазма-ли воситалар катта фойда келтиради.

Ички ишлар министрлигининг қўтарин хизмати томонидан ўтказилган текшириш натижасида шу нараса маълум бўлдики, айрим пляжлар ёғи масшавиди яхши ёрланмаган. Бу пляжларнинг би-



МЕХАНИЗАТОРЛАРГА ЕТУКЛИК АТТЕСТАТЛАРИ

Мактаб ўқувчилари ҳаётида ҳўзир энг серташвиш дамлар. Мактабларда биттириш имтиҳонлари ўтати. Ҳадемай, ўқувчилар мактабларини битириб, қўларига етуклик аттестатлари олишади. Уларин олий ўқув юрғлари, турли хўнар-техника билим юрғлари, зарбдор меҳнат фронти кўтапти.

Держиский номдаги 88-ўрта мактаб Янгийўл районидagi Энгельс номли колхоз территориясида жойлашган бўлиб, унда битириш имтиҳонлари зўр

уюшқоқлик билан ўтати. Бу қишлоқ мактабининг ўзига хос хўсувати шундаки, унда сиртқи дам бўлиш ҳам мавжуд. Бу бўлишда қишлоқ хўжалигининг турли соҳа кишилари билим олишади. Бу йил мактабининг аша шу сиртқи бўлимини 12 киши битириб чиқди. Улар орасида пахтачиллик бригадаларининг бошлиқлари, механик-ҳайдовчилар, шоферлар ва бошқа касбадаги кишиларни учратасиз. Энгельс номли колхознинг 3-бригадаси бошлиғи Эргаш Жон-

тар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб «оқ олтин» хирмони кўтарашди.

Имтиҳонларга пухта тайёрларлик билан келган Эргаш Жонтеев ва унинг ҳамкасб дўстлари Ш. Мамадалиев, А. Чесобов, К. Зичонон, Х. Мамаев, А. Гафуровлар шу кўларда ҳамма сўнолардан муваффақиятли ўтишди.

Х. НОСИРОВ.

Сурада: Энгельс номли колхозининг бригада бошлиғи Эргаш Жонтеев физикадан имтиҳон тошпирмоқда. А. Абдали фотоси.



ШАЙБА, ШАЙБА!

— Биринчи марта бу наъра шу йил баҳорда «Юбилейни» спорт залида Тошкентдаги биринчи хоккей турнирида янграган эди. Ушанда бу наъра «мархабо, хоккей» деган маънони ҳам билдирган эди.

Ушга учрашу ҳар иккала томонини қувонтирган эди. Ўзбекистон пойтахтини муз устидага аjoyиб ўйин мафтун этди. Тошкентликларнинг хўшўйлиги ва меҳмондўстлиги эса турнир қатнашчиларини қувонтирди. Мана икки мамлакатда энг кўп кўпий хоккей қондаси иш бошлади. Унинг номи — «Спартак».

Яқинда энг яхши совет хоккей мактабининг аjoyиб айналарини Ўзбекистонда хоккейнинг ривож топишига ёрдам беради. Шу жиҳатдан қарағида команда устозларининг спорт таржиман ҳўли диққатга сазовордир.

Спорт мастери Геннадий Андрианов хоккей билан шўғулангани Москва «Локомотив»нинг хоккей мактабида бошланди, Москва «Динамо»сида ўйнади, Сўнгра инженер Андрианов Подольск механика заводининг «Торпедо» командасида тренерлик қилди. Бу коллектив 1968 йилда РСФСР чемпиони унвоини олди. «А» класс иккинчи гуруҳида турнирларда эса икки марта соғғини ўйналарин олишти муваффақ бўлди.

Лев Гусев ҳам хоккей билан шўғулангани Москва «Локомотив» командасида бошланди. Москва физкультура институтини таълимлаб чиққан бу йигитни футбол ва хоккей кафедрасида ишлаб қизиртирди. У хоккей майдонидида қолди, лекин сувада бўлиб ишлади. Лев Гусев — Буғунтифок ва халқаро категориялардаги судьялардан бири.

Команданинг асосий қисми жамланиб бўлди. Спорт мастери Валентин Григорьев ва Виктор Каштанов сингари турли ёғидаги спортчилар, умидли ёшлар бу командага қабул қилинди. Команда учун резервлар тайёрлаш тўғғисида ҳўзирдан бош қотирлабётганини бизни қувонтиради. Спорт мактабининг ишга қараб тузилган 5 та гуруҳида 120 нафар ёш хоккейчи шўғуланади.

«Юбилейни» саройи Тошкент «Спартак»нинг базиси бўлиб қолди. Асосий корпус ёнида машқлар ўтказиладиган яхмамак қурилади.

Тошкент «Спартак» командаси мамлакат хоккей чемпионатининг календарига киритилди. У ўзининг биринчи масшавидан «А» классининг иккинчи гуруҳида шарқий зонада ўтказилган матчларда қатнашади. Бу зонада лиги команданинг рақиблари орасида Челябинскдаги «Буревестник», Омилдаги «Автомобилист», Москвадаги «Кучук», Хабаровскдаги «Арктик спорт клуби», Прокопьевскдаги «Шахтёр» ва бошқа шўлар каби тажрибали коллективлар бор.

Бу турнирда ҳаммаси бўлиб 13 команда қатнашади. Улар тўрт донрага бўлиниб ўйнайдилар. Демак, тошкентликлар «Юбилейни» спорт саройининг яхмалағида 24 та матчи толоша қиладилар.

Республика ташкилотлари «Спартак» жамияти Тошкентда хоккейнинг ривож топиши учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. — дейди команда тренери. — Бу эса спортчилар зиммасига, тренерлар зиммасига ҳам қўнига вазифалар юклайди. Тез орада умумий жисмоний тайёргарлик машқларини бошлаб юборамиз, шу ёз масшавидининг узайиб жўз устида иш бошлашмиз. Оқиборда эса биринчи расмий матчда қатнашамиз.

«Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари таъсис этган Ўзбекистон ССР соғғини учун ўтказиладиган иккинчи традицион кўлаш турнирида Тошкент «Спартак» командаси ҳам қатнаша олади, албатта. Ушанда Тошкентдаги хоккей ишқибозларининг «шайба», «шайба!» деган наъралари ҳамшаҳар спортчиларига қаратилди.

Е. ЕФИМОВ.

ЎЗТАГ мухбири

МУҲАММАД АЛИНИНГ РЕЖАСИ

Нью-Йорк. (ТАСС). Машҳур негр боксчиси Муҳаммад Али Нью-Йоркда ўзининг келгусидаги матчи Хьюстон (Техас штати) шаҳрида бўлаётганини эълон қилди. Алининг рақибини унинг ёғидаги ўртоғи ва машқдоши Жимми Эллис бўлади. Мусобақа 12 раунддан иборат, у ёғиқ телевизион канал бўйича кўрсатилади.

Спорт шарҳчилар ҳамда Алининг ўзи Эллис билан бўладиган матчи Муҳаммаднинг 8 март кўни етган, жаҳон чемпиони Фрэнсиз билан бўладиган реванш матчи олдидан ўтказиладиган зарур боксчи деб ҳисоб-ламоқда.

Эллис билан бўлган «жанг»дан кейин Али Фрэнсиз билан учрашадиган олдги яна икки матчи ўтказмоқчи.

Али ва Эллис ҳаваскор боксчи бўлганлариди, бир-бирлари билан икки марта учрашганидан Биринчи матчида, Али, иккинчисида Эллис ғалаба қилганди.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАДАТИ
17.55 — Кўрсатувлар програм-
маси.
Ўзбек тилида: 18.00 — Бола.

лар учун кинофильм, 18.20 — «Ахборот» информатсион програм-
маси (рус тилида), 18.35 — Ўзбек
нуяларидан концерт, 19.05 —
«Ахборот» информатсион програм-
маси, 19.20 — «Ноз-неъмат бун.
ёғи» программаси.
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
19.55 дан — Москва кўрсатади,
17.00 дан — Москва кўрсатади.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ.

ДА — 10/VI да — Дон Карлос.
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —
10/VI да Уғйрланган умр.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —
10/VI да Лақма.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Еңимтой жаноб «Р» — «ЧАЙ-
КА», «ВОСТОК» (сўфут соатларда),
«СПУТНИК», НАВОИЙ НОМЛИ (кун-
дуз ва кечқурун), «МОСКВА» (ор-
талаб соат 11 ва кундуз соат 1,5
кеч 7 да).

Том Жонс (2 серия) — «КОМ-
СОМЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз соат
12, 2 ярим ва кеч соат 8 да),
«МОСКВА» (кундуз соат 3 ва кеч
соат 8.40 минутда).

Катта сайр (2 серия) — «ЎЗБЕ-
КИСТОН» (эрталаб соат 10, кун.

дуз, 1, 4 ва кеч соат 7, 10 да),
«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кун-
дуз соат 12, 3 ва кеч соат 6, 8.45
минутда).

Утган кунлар (Ўзбек тилида) —
НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз соат 1
ярим, 5 ва кеч соат 8.20 минут-
да).

Ефрейтор Збруевнинг етти қай-
лиги — САНЪАТ САРОИНИ (эрта-
лаб соат 11, кундуз 1, 3, 5 ярим
ва кеч соат 7 ярим, 9.15 минут-
да).

ЕЗГИ БИНОДА

Ҳаётни беҳуда ўтказганлар —
«ХИВА».

Еңимтой жаноб «Р» — «ФЕС-
ТИВАЛЬ».


КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ БўЙИЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЎ КОНТОРАСИ

12 июндан бошлаб

САНЪАТ САРОИНИДА

(Эрталаб соат 11 ярим, кундуз 2, 4 ярим ва кеч соат 7, 9.15 минутда).
лиги, ранган, кенг форматли

„ҲАЛОСКОРЛИК“



бадий фильмининг 2 сериали 3 фильми

„АСОСИЙ ЗАРБА“НИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ



«Мосфильм» киностудияси маҳсулотини.
Постановкачи режиссёр — ЮРИЙ ОЗЕРОВ.
Ролларин ижро этадилар: ЦВЕТАЕВ — Н. ОЛЯНИН, Зоя — Л. ГОЛУБИНА, ЖУКОВ — М. УЛЬЯНОВ, РОКОС-
СОВСКИЙ — В. ДАВИДОВ, ВАСИЛЕВСКИЙ — Е. БУРЕН-
КОВ, АНТОНОВ — В. СТРЕЛЬЧИК, СТАЛИН — Б.
ЗАКАРИЯДОВ, ЧЕРЧИЛЬ — Ю. ДУРОВ, РУЗВЕЛЬТ —
С. АСЬКЕВИЧ, ГИТЛЕР — ФРИД ДИЦ ва бошқалар.

МАРКАЗИЯ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

18, 19 июнь кеч соат 8 да

20 июнь кундуз соат 1 ва кеч 8 да

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА АТОҚЛИ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА КАТТА КОНЦЕРТ

„ТАБАССУМ ОҚШОМИ“

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари Амин ТУРДИЕВ, Ғани АБЗАМОВ, Акром ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар — Ол-
мадон ҲАНИТОВА, Таваннал ҚОДИРОВ, Жуманазар БЕКЖОНОВ,
Кўвонди ИСКАНДАРОВ, Эргаш КАРИМОВ, Эркинжон ТОШ-
КЕНТБОВ.

Солнстарлар: Ҳабиба ОХУНОВА (Наманган), Ҳалима ХОЛБОВ,
БОЕВА (Марғилон), Дилбар ҚАЮМОВА, Гулчехра ИСМОИЛОВА,
Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Комилжон БАРАТОВ, ака-уна
Қамолдин ва Зокиржон РАҲИМОВЛАР (Наманган), Низом-
жон ИКРОМОВ, ака-уна Ғулмонжон ва Абдуллоҳжон ҒАФУРОВ,
ЛАР, Уттир ХОЛМУҲАМЕДОВ, Зайнобиддин ЮСУПОВ (Мар-
ғилон), Ҳасан ИУЛДОШЕВ, Садиқ Зибеддинжон, Одиложон
ОХУНЖОНОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музыка раҳбари — Азиз МУЛЛАХОЛЛОВ.

Программани Амин ТУРДИЕВ, Ҳасан ИУЛДОШЕВ ва Тоқиб
АЪЛОЕВЛАР оlib борадилар.

Виктор Свирдов номли концерт зали ва Марказий

«Юбилей» спорт зали насаларида кундуз соат 2 дан соти-
лади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг
босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697. Р. 01536. № А-1767.